

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Саноат тармоқларини бошқариш факултети

Хаёт фаолияти ва хавфсизлиги кафедраси

Бурханов Элнур

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Оилавий муносабатларнинг педагогик-психологик жиҳатлари

Илмий раҳбар:

Абдукаримов Х

Тошкент-2012

М У Н Д А Р И Ж А:

I.	КИРИШ.....	4 - 5
II.	АСОСИЙ ҚИСМ	6 - 40
1-боб.	Оила ва ундаги шахслараро муносабатлар тизими.....	6 - 17
2-боб.	Оилавий шахслараро муносабатларнинг бола тарбиясига таъсири.....	18 -29
3-боб.	Бола фаолиятини оилада ташкиллаштириш масалалари.....	30 -36
4-боб.	Оилада маънавий, ахлоқий ва маданий малакаларни шакллантириш.....	37 - 40
III.	ХУЛОСА.....	41
IV.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	42

КИРИШ

Долзарблиги. Давлатимиз келажаги ҳам, ривожланган мамлакатлар орасида тутган мавқеи ва салоҳияти ҳам, дунёқараши, билими, ақл-заковати, Ватан, жамият ва оила олдидаги бурчи ҳамда масъулиятини теран англаши, бугунги авлодга боғлиқдир. Шу боис юртимизда жамиятнинг асосини ташкил этадиган, унинг энг муҳим бўғини бўлган оилага алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас, албатта.

Юртбошимиз И.А.Каримов томонидан 2010 йил «Баркамол авлод» йили деб эълон қилиниши, ўсиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик республикаимизнинг асосий мақсадига айланганлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Мустақиллик йилларида республикаимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва йўл – йўриқларда халқимизнинг ижтимоий – маданий юксалишини таъминловчи фикрлар, тавсиялар берилдики, булар жамиятимизнинг асоси – оиланинг ижтимоий – иқтисодий ва маънавий камолотида муҳим роль ўйнада. Чунки оилаларнинг ҳар томонлама юксалиши, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг юксалиши демакдир. Худди шу маънода ёш авлод тарбияси ва унинг тараққиёти муҳим масаладир. Иккинчи томондан, жамиятнинг оила ва оилавий тарбияга бўлган талаби ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Зотан, ота–оналарнинг болалар тарбияси юзасидан маъсулиятини кучайтириш, тарбиялашга оид лаёқатини ошириш, оилавий ва ижтимоий тарбия бирлигини таъминлаш ҳозирги куннинг **долзарб** масаласидир.

Мақсад ва вазифаси. Малакавий битирув ишида оила ва ундаги шахслараро муносабатлар тизими, оилавий шахслараро муносабатларнинг бола тарбиясига таъсири, бола фаолиятини оилада ташкиллаштириш масалалари, оилада маънавий, ахлоқий ва маданий малакаларни шакллантириш каби масалаларни назарий таҳлил қилиш ва ёритиш **мақсад**

ва вазифа қилиб олинган.

Амалий аҳамияти. Ўзбекистон республикасининг маданият, маориф, янги инсонни тарбиялаш борасидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолияти ҳамда миллий асар дурдоналари ва қадриятлар ўзбек оилаларининг тўла маънода эркин ва ҳар томонлама камолоти учун асос бўла олади. Худди шу маънода малакавий битирув ишимиздаги таҳлилий мулоҳазалардан янги баркамол инсонни вояга етказиш учун фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Малакавий битирув иши кириш, асосий қисм (4 та боб), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати (16 та), 42 бетли матндан иборат.

1-БОБ. ОИЛА ВА УНДАГИ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИ

Инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади; хусусан, болада ирода, одатлар, феъл-атвор, хулқ, атрофга муносабат, эътиқод ва қарашлар вужудга келади. Шу боис турмушда инсонни камол топтириш шароитлари, таъсир кўрсатиш имкониятларини изчил ўрганмай туриб, шахснинг хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Маълумки, оила – ижтимоий-тарихий белгига эга бўлган муайян тузилишли ижтимоий гуруҳнинг кўриниши. Чунончи, унинг аъзоларини қариндош-уруғчилик, никоҳ, турмуш шароити бирлиги, одоб-ахлоқ умумийлиги, маънавий эҳтиёж мослиги каби алоқалар ўзаро боғлаб туради. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабдан турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги ўзгаришлар унинг моддий-маиший, иқтисодий негизи ўзгаришига бевосита боғлиқдир.

Оила аъзоларининг ўзаро муомалаларини тадқиқ қилган венгер социологи М.Комлоши 10-14 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқишга ва меҳнатга бўлган муносабатига бевосита таъсир қилувчи оила муҳити (вазият, шароит, ҳолат) омилларини тўрт гуруҳга ажратади:

1) ота-оналарнинг жамоатчилик фаолияти (уларнинг мафкуравий қарашлари ва ишга нисбатан муносабатлари);

2) оила ичидаги муносабатлари (ота ва она муносабати, ота-оналарнинг бува ва бувига муносабатлари, ака-укалар ва опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари);

3) ота-оналарнинг тарбиявий-педагогик фаолияти (уларнинг тарбиявий муаммолари, қизиқишлари, мактаб билан ҳамкорликлари, ўқувчиларга дарс тайёрлаш кезида ота-оналарнинг ёрдами, уларнинг тарбиявий аҳамияти);

4) оилада ўқувчининг фаолияти (ўқувчининг кундалик тартиби, ҳўжалик ишларидаги муайян мажбурияти) ва бошқалар.

М.Комлоши йиққан материалларини таҳлил қилиб, оила муҳити (вазияти, шароити, ҳолатини_уч тоифага: **ижобий, ўзгарувчан ва салбий** тоифаларга ажратади.

Психолог олим В.И.Селиванов оилада шахсни шакллантириш жараёнини ўрганиб, бахтли болалик-бу оиладаги қувончли ҳамжихатликнинг ҳамда ота-оналарнинг болаларига ғамхўрлигининг самарасидир, деган хулосага келади. Муаллиф оилаларни йўналишига қараб, уч тоифага мансуб эканлигини кўрсатиб беради: **ижтимоий-илғор йўналишдаги оила, зиддиятли йўналишга эга бўлган оила, паст даражадаги ижтимоий йўналишга мансуб оила.**

Биринчи тоифага хос бўлган оилалар биздаги оилаларнинг кўпчилик қисмини ташкил қилади. Бундай оилаларда шахслараро муносабатлар ахлоқ принциплари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, шунингдек ҳар томонлама камол топган шахснинг ижтимоий идеали (юксак орзу тимсоли) назарда тутилади. Ижтимоий-илғор йўналишдаги оилаларнинг вояга етган аъзолари ишлаб чиқаришда, корхонада, жамоат ишларида фаол қатнашадилар, илғор маданиятга нисбатан қизиқишларини намойиш қиладилар, шунинг билан бирга бу нарсага ўз фарзандларида ҳам ҳавас уйғотадилар. Оилада гоҳо намоён бўладиган зиддиятларни жуда қисқа муддатда ҳамжихатлик билан бартараф қиладилар. Ушбу тоифага мансуб оилаларда хўжалик ашёлари, асбоблари, қимматбаҳо материаллар ҳар хил эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида қаралади, бу нарсалар шахснинг келажак истиқболи билан мутлақо боғланмайди.

Иккинчи тоифадаги оилада барқарор йўналиш бўлмайди. Оилавий турмуш муносабатлари узлуксиз равишда бирон-бир ғоянинг бошқа ғоя билан ўзаро ниқобланган кураши босқичида бўлади; у ёки бу қарашларнинг устунлиги, истиқболи ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Бундай ҳолатнинг кўзга ташланиши эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни англатмайди.

Эр-хотиннинг ёки бошқа вояга етган оила аъзоларининг муросасиз позициялари (нуқтаи назарлари) кўпинча уларнинг феъл-атвор

хусусиятларидаги тафовут негизи билан боғлиқ бўлиб, мутлақо эскилик сарқити моҳиятидан келиб чиқмайди. Оилада сўз билан иш бирлиги масаласи бир-бирига қарама-қарши йўналишда бўлади. Фақат бурч ҳиссигина, муайян мажбуриятни бажаришгина оила аъзоларини ўзаро бирлаштириб туради. Мана бундай оилаларда эр-хотиннинг болаларга таъсир ўтказиш учун кураши, рақобати яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага мансуб оилаларда кўпинча мешчанлик удуми ва идеаллари ҳокимлик қилади. Мазкур оилаларда барча нарса ягона нарсага бўйсундирилган, яъни мол-дунё тўплашга, моддий-маиший жиҳатдан устунликка эришишга қаратилган. Вояга етган оила аъзоларининг, ота-оналарнинг корхонада, муассасада, ташкилотда меҳнат қилиши ана шу кўзлаган мақсадга етиш воситаси сифатида, ҳар қандай меҳнат эса, иш ҳақи миқдори билан ўлчанади. Оила бошлиғининг зўравонлиги, золимлиги, унга кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунлиқ, сажда қилишлиқ, заиф ва нимжон оила аъзолари фаоллигини поймол қилишга интилиш ва ҳоказолар устун бўлади. Мешчанлик идеали ва диний эътиқод доирасидан ташқари чиқиш ҳоллари (китоб ўқиш, ижтимоий турмуш фаолиятида иштирок этиш) камситилиб, бекорга вақт сарфлаш деб баҳоланади. Шу боисдан паст даражадаги ижтимоий йўналишга мансуб оилалардан худбин, кўрқок, жамият учун кам нафи тегадиган ўғил-қизлар етишиб чиқиши мумкин.

Фан оламида оиладаги турмуш муносабатларининг жуда кўп қирралари ўрганилган. Жумладан, ҳар бир оила аъзоларининг яшаётган микромуҳитда тутган ўрни ва эришган обрўси, оилаларда эр-хотин муносабатлари, ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан муомалалари, турли ёшдаги фарзандларнинг ўзаро мулоқоти, уларнинг ота-оналарга муносабатлари, оила аъзоларининг бегона кишилар билан мулоқагга киришиш хусусиятлари, улар ўртасида ўзаро ёрдам ва бирдамлик хусусиятлари, уй-рўзгор юмушлари тақсимоти, хордиқ чиқариш, оила аъзоларида мулоқат кўламининг кенгайиши (оила доирасидан ташқари чиқиш) каби шахслараро муносабатларнинг ранг-баранг жиҳатлари тадқиқ

қилинган. Шунга қарамасдан, оиладаги турмуш муносабатларининг кўпгина томонлари чуқур текширилмаган, оилада оқилона муносабатларни амалга ошириш учун тайёр андазалар етарли эмас.

Оиладаги муносабатлар таъсирида илк болаликдан умумий ишга содиқлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, қатъийлик, кадр-қиммат ҳисси каби юксак инсоний ҳислар шакллана бошлайди. Аста-секин туғишганларга ғамхўрлик, ака-укалик ва опа-сингиллик меҳри, ота-оналарга муҳаббат ва шафқат каби туйғулар намоён бўла боради. Турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илиқ руҳий иқлим таъсири натижасида оила аъзоларида камтарлик, кўнгилчанлик, илтифот, сабр, уятчанлик, тўғрилик, яхшилик, юмшоқлик, дилкашлик, меҳрибонлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатга масъулият, озодалик, иззат-нафс, тежаб-тергашлик каби шахс хислатлари таркиб топади. Агарда оилалардаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизига қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида кеккайиш, писмиқлик, кўпчилик томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракатлар қоидаларини сезмаслик, уларни менсимаслик, ялқовлик, масъулиятсизлик, ифлослик, бағритошлик, шуҳратпарастлик, димоғдорлик, иллатлари ўниб чиқади.

Шахслараро муносабатларнинг бир неча кўринишлари мавжуд эканлиги ижтимоий психология ҳамда педагогик-тарбиявий соҳаларда қайд қилиб ўтилган.

Оила бошлиғи ҳисобланган ота-оналарнинг асосий диққат-эътибори ахлоқ нормалари ва қоидалари талабидан келиб чиққан ҳолда ўз фарзандларида ижобий характер хислатларини замон руҳига мос шахс физилатларини шакллантиришга қаратилади. Мазкур тоифадаги оила аъзолари даврасидаги суҳбатлар, мунозаралар, мулоҳазалар ўзаро тенглик, ўзаро ҳурмат руҳига бўйсундирилади. Оила муносабатларининг ушбу кўринишида турли ёшдаги ўғил-қизларга мақсадга йўналтирилган тарбиявий-педагогик таъсир ўтказиш тизими ўз хусусияти билан ажралиб туради. Ундай оилада шахслараро муносабатда таъсир ўтказиш соҳалари яширинган ҳолда бўлади. Шу боисдан,

тасодифан воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши турлича баҳоланади ва уларга бевосита алоқадор оила аъзолари турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, рағбатлантирилади ёки жазоланади. Мана бундай одилона амалга туширилган мулоқот таъсирида ўғил-қизларда дўстлик, дилкашлик, хушмуомалалилик, шахсий хатти-ҳаракатида ва мулоҳаза юритишида мустақиллик, шахсий қарашлари сақланган ҳолда янги меъёр ва талабларга мослашиш, ўз фаолияти учун жавобгарлик, эмоционал зўриқиш даврида ўз-ўзини қўлга олишлик каби муҳим фазилатлар пайдо бўлади.

Оила муносабатларининг яна бир тури «авторитар» деб аталиб, бунда ота-онанинг обрўси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шахслараро тенг ҳуқуқлилиқ, эркин хатти-ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Оила аъзоларининг юриш-туриш, хатти-ҳаракати кўпинча чеклаб қўйилади. Ота-она томонидан тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методи — жазолаш ҳисобланади. Бироқ онда-сонда рағбатлантириш методидан фойдаланилганда ҳам, у болага маънавий озуқа бермайди. Фарзандларда ота-онага яқинлик, меҳр ҳисси камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқлашиш, «бегоналашиш» кечинмасига айланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар уларни қондирмайди; натижада одамови, тунд, ичимдагини топ, ташвишлик, хавотирлик каби ижтимоий меъёр ва қоидаларга қийинчилик билан мослашишдан иборат характер хислатлари вужудга келади. Шу сабабдан оила аъзолари руҳий дунёсида симпатия (ёқтириш), эмпатия (ҳамдардлик), самимийлик, хайрихоҳлик каби юксак инсоний ҳис-туйғулар жуда нурсиз ифодаланади. Кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунтиришга асосланган муносабатлар негизида ётган тарбиявий таъсир қўрқоқ ва иродаси кучсиз шахсни таркиб топтиради.

Оиладаги турмуш муносабатларининг аралаш ёки қоришма тоифасида бола шахсини шакллантиришнинг муайян педагогик тизими мавжуд эмас. Оила аъзолари ўртасида бўладиган муносабатлар аксарият ҳолларда угит-насихат, ахлоқий суҳбат, йўл-йўриқ кўрсатиш билан боғланиб кетади.

Бундай ота-онанинг фарзандлари билан мулоқоти эрдан ва ботиниб

фикр юритишдан узоқ бўлганлиги сабабли, юмор хиссига бефарқлик, ўз-ўзини кўлга ололмаслик, масъулиятсизлик, танглик (стресс), зўриқиш ҳолатини ҳис қилмаслик, етарли даражада шахслараро алоқа ўрната олмаслик сингари характер хислатларини таркиб топтиради.

Жамиятимизда кам учрасада, «анормал» муносабатга эга бўлган оилалар мавжуддир. Бундай тоифага ажралиш даражасига етиб борган, бола оилавий низо манбаи деб тушунувчи, «бола» баҳонаси туфайли қил устида турган, ичувчи – алкоголь ёки гиёҳванд оилалар киради. Оиладаги анормал ҳолат осойишта яшаш, тинч ижод қилиш, муайян ўқиш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қодир эмас.

Оиладаги турмуш муносабати ичида «леберал» тоифа ҳам кўзга ташланиб туради. Оила даврасида муросасоз, кўнгалчан бўлишлик ташқи кўринишдан илиқ психологик иқлимни, гуруҳий мосликни ўзида акс эттиргандек бўлиб туюлади. Агарда муросасозлик «муроса-ю мадора» қабилида кечиримлиликни билдириб келса, юқоридаги фикримизни тасдиқлаган бўлади. Афсуски, «либерал»лик, мурасасозлик оиладаги ҳар қандай вазиятни тил топиб ҳал қилишга, принципиалликдан узоқлашишга, субутсизликка олиб келади. Ота-оналарнинг фарзандлари билан бундай муносабатда бўлишлари салбий оқибат сари етаклайди: қатъийлик, мустақиллик, дадиллик ва чурткесарлик сингари иродавий сифатлар ўғил-қизлар руҳий дунёсидан узоқлашади. Муросасозлик таъсирида ёш авлод характерида мунофиқлик, иккиюзламачилик, келишувчанлик каби иллатлар таркиб топиши мумкин. Бу иллатлар ўринбосарларимизнинг келажак тақдирлари учун ўта хавфлидир.

Ўзбек оиласи бошқа халқлар оиласидан анча фарқ қилади. Кўпинча, ўзбеклар бир оилада бир нечта авлод аъзолари бирга ҳамжиҳатлик билан истиқомат қилишади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда унинг тузилиши мураккаблашиб боради: бува ва буви (катта авлод вакиллари), ота ва она (иккинчи авлод намояндалари), катта-кичик фарзандлар (учинчи бўғин аъзолари), неvara ва эваралар (тўртинчи авлодга мансублар) қабилар.

Ўзбек оиласи ижтимоий гуруҳ, сифатида тарбиявий, хўжалик юритиш,

молиявий – иқтисодий (таъминот ва тақсимот) фаолият аъзолари ўртасида тўғри муомала ўрнатиш, бўш вақт, ҳордиқ кунлари ҳамда байрамларни ўтказиш, ташкил этиш, уюштириш каби тадбирийд-маъмурий вазифаларни бажаради. Шунингдек, оила ижтимоий тарбия ўчоғи тариқасида ўз аъзолари руҳияти ва маънавиятига катта таъсир ўтказади; маълумки, одамийликнинг дурдона уруғлари худди шу тор муҳитда мурғак қалбли бола табиатида сочилади. Оилавий муносабатлар турли негиз асосига қурилади: иқтисодий, мафкурафий, ҳис-туйғу, ҳиссиёт, ахлоқий-ақлий, қариндош-уруғчилик, яқинлик, дўстлик ва биродарлик қабилар. Ўз-ўзидан маълумки, оила қайси тоифага мансублигидан қатъи назар ўз аъзолари онгига иқтисодий, мафкуравий, ахлоқий, ақлий, иродавий, ҳиссий жиҳатдан таъсир ўтказади, яъни инсон шахсини шакллантириш вазифасини ўтайди. Оила аъзоларининг дунёқараши, эътиқоди, ахлоқий ҳислатлари, юксак инсоний ҳис-туйғулари, жамият ва табиатга муносабатлари худди мана шу тарбия масканида таркиб топа бошлайди. Шунинг учун халқимиз «Қўш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмайди. Бинобарин, инсон тарбиясининг барча жиҳатлари, таркибий қисмлари фарзандлар руҳияти ва маънавияти оламига оила даврасидаги суҳбатларда, уғит-насихатларда, яққол хатти-ҳаракатлар воситасида сингдириб борилади. Меҳр-муҳаббат, аҳиллик, камтарлик, ҳотамтойлик, меҳмондўстлик сингари миллий ҳислатлар оила бағрида ниш уради ва аста-секин ҳар бир оила аъзосининг хулқ-атворида мужас-самлашади. Инсон зоти учун заруриятга айланган одамийлик ҳислатлари-одиллик, оқиллик, самимийлик, саҳийлик, адолатлилик, камтарлик, тантилик, назари туқлик ҳам оилавий тарбия таъсири натижасида намоён бўлади. Умуман олганда, инсон бутун умр давомида тўплаган инсоний дурдоналарининг аксарият қисмини худди шу болалик йилларида тўплайди. Шу сабабдан, оилавий тарбиявий таъсир умуминсоният баркамоллиги негизи, қолган ижтимоий тарбиявий муассасалар эса ахлоқий ва ақлий таракқиёт устқурмаси вазифасини бажаради, деб қомил ишонч билан айтиш мумкин.

Оиланинг ўзига хос хўжалиги (томорқаси, ҳосил етиштириш майдони, дов-дарахтлари, паррандаси, чорва моллари ва бошқалар) ва унинг бюджети

мавжуддир. Хўжалик юритиш, асосан, оила бошлиғи томонидан тузилган режага суянган ҳолда (бир неча бор муҳокамалардан сўнг кучга кириш эҳтимоли мавжуд) амалга оширилади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишга айрим тузатишлар ва ўзгаришлар киритиб борилади. Йиғиштирилган маҳсулот, олинган иш ҳақининг йиғиндиси оила жамғармасини ҳосил қилади ва бу жамғармадан сариштали, ўз ўрнида фойдаланилади. Оила бошлиғи мавжуд оилавий жамғармани ҳисоб-китоб қилгандан кейин чиқимлар рўйхатини ва сарфланиши (қандай ва нималарга) мумкин бўлган сармояни ажрим қилади. Ана шундай режалашдан кейингина туғилган кун, юбилей харажатлари, тўй ва байрамларни нишонлаш, байрам совғалари тўғрисида оила аъзоларига маълумот берилади. Оила аъзолари даромадга қараб даромад қилишлари мақсадга мувофиқдир. Ўринсиз, тубсиз чиранишлар, исрофгарчиликлар оила иқтисодини сингдиришга олиб келади. Иложи бориша, ёш буғинни оила жамғармасини сақлашга, ундан тежаб-тергаб фойдаланишга тайёрлаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тежамкорлик ижтимоий ноёб ва нодир хислат ҳисобланиб, яратиш, асраш, авайлаш орқали маҳсулот ва обидаларни келгуси авлодга мерос тариқасида қолдиришни ўзида акс эттиради.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, оилавий муносабатларда эр-хотиннинг касб-кори, маълумоти, билим савияси муҳим роль ўйнайди. Эр-хотинлар санаб ўтилган мезонлар бўйича қанчалик ўзаро яқин бўлса, шунчалик тенг ҳуқуқлилиқ, сермулоқот, ички бирлик, енгил ҳис қилиш, сезиш, фахмлаш юзага келади. Бу нарсалар оила барқарорлиги, мустаҳкамлиги, баркамоллилигини таъминлайди, ўзаро тотувлик, мослик, ўзаро тушуниш ҳукм суради.

Оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ҳикмати – бу оила аъзоларининг бўш вақтини ташкил қилиш, ҳар бир шахснинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда режалаш, гоҳо сайр уюштириш, соя-салқин жойларга сафарга чиқиш, биргаликда оила даврасида маданий хордиқ чиқариш, хўжалик юмушини бажариш ва бошқалардир. Оила аъзоларининг ҳар бири тенг ҳуқуққа эга эканлигини назарда тутиш, шунинг билан бирга ўта эрк бериб

юбормасликни диққат марказидан чиқармаслик зарур. Байрам кунларини нишонлаш ҳам оқилона, одилона ҳал қилиниши оилада илиқ руҳий иқлимни вужудга келтиради. Шунга қарамасдан, оилада ҳамиша ҳамжиҳатлик, аҳиллик ҳукм суравермайди, гоҳо зиддиятлар, жанжалли ҳолатлар юзага келиб туради. Лекин бу зиддиятларнинг моҳиятига қараб тезроқ бартараф этиш лозим. Оилавий зиддият ва жанжаллар ахлоқий, моддий, маънавий, ақлий, ҳис-туйғу негизда вужудга келиши мумкин. Ҳозирги кунда жанжаллар кўпроқ моддий ва маънавий руҳий омиллар замиридан чиқиб келмоқда. Ҳар бир инсон меҳнат қилиб турмуш кечириш имкониятига эга, шунинг учун ўзгаларга тобе бўлиш ҳисси қаршилиқ қилиш турткисини намоён қилади.

Ҳозирги даврда оила бузилиши ҳоллари кўпайиб бормоқда, тирик етимлар сафи ортмоқда, қаровсиз фарзандлар кўлами кенгаймоқда. Болалар уйлари, етимхоналар сон-саноксиз норасидаларни қабул қилиш имкониятига эга эмас, шунинг учун бу ҳалокатнинг олдини олиш ижтимоий вазифадир. Хўш, қандай сабаблар ажралиш, қўйди-чиқдини келтириб чиқармоқда? Ижтимоий руҳият тадқиқотларининг кўрсатишига қараганда, ажралиш, оила бузилишининг муайян сабаблари мавжуддир. Жумладан, *эр-хотиннинг характер жиҳатдан мос тушмаганлиги, фарзанд кўрмаганлиги, келиннинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан ҳақоратланганлиги, оиладаги моддий таъминот, тарбиявий қашшоқлик, оилада ортиқча анъана ва маросимларнинг мавжудлиги, ичкиликка ружу қўйиш, рашик, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятининг йўқлиги, қариндош-уруғчиликдаги кўнгилбўзар ишлар, муносабатлар ёш оиланинг барбод бўлишига олиб келади.*

Хўш, бунинг олдини олиш имкониятлари борми? Албатта, бор. Оила бут бўлиши учун биринчи навбатда, шахслараро тенгликни қарор топтириш керак. Икки ёш, яъни бўлғуси куёв-қайлиқлар бир-бирларини чуқурроқ ўрганишлари, айрим нуқсонлардан кўз юмишлари зарур. Энг асосий нарса — бу икки ёш қалб ўртасида чин муҳаббат бўлиши даркор. Севги, ишқ туғёнлари инсонга куч-қувват бағишлайди, поклик сари етаклайди. Сунъий ўйлаб топилган эски маросимларни турмуш тарзидан қувиб чиқариш зарур. Оилада

меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш (баъзан оғирликлар келин зиммасига юклатилади) айна муддаодир. Ичкиликбозликка, ўғирликка, бекорчиликка, харомтамоқликка қарши ўт очиш, тартибли кураш олиб бориш шарт. Ёшларни қийинчиликни енгишга, ўзгача шарт-шароитга кўникишга болаликдан ўргатиб бориш лозим ва ҳоказо.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун оила ва ўқув даргоҳлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш, ота-оналарнинг болалар тарбияси учун масъулиятини ошириш, кексалар таъминоти ва осойишталигини қарор топтириш мақсадга мувофиқдир. Хоҳ ёшлар, хоҳ ота-оналар ҳеч маҳал оила қуришга, қиз узатиш ёки ўғил уйлантиришга юзаки, енгил-елпи қарамасликлари лозим. Бу нарсаларнинг барчаси ўзбек оиласининг тузилиши ҳамда унинг шахслараро муносабат қўламлари, айрим ибратли томонлари инсоний мезон билан ўлчанганлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда жамоатчиликни қуйидаги долзарб муаммолар ташвишга солмоқда. *Оилада ўғил-қизлар кимлар томонидан тарбияланаёттирлар ва улар қандай руҳда, маромда тарбия олмақдалар? Оиланинг тарбия иши режалли ва тартибли олиб бориладими? Таълим олувчилар кўз ўнгида ота-она, катта ёшдаги қариндош-уруғлар, туғишганлар қандай даражадаги обрўга эгалар? Оила тарбиясида ота-она ўртасида бирлик, умумийлик мавжудми? Таълим муассасаларда қўлланилаётган ахлоқий тарбия воситалари ва шакллари қандай тадбиқ этилмоқда? Оилада рағбатлантириш ва жазолаш методларидан қай йўсинда фойдаланилмоқда ва шу кабилар.* Шунингдек, шахслараро муносабатларда оила аъзоларининг асаб системаси (унинг кучи, мувозанати, илдамлиги, беқарорлиги) темпераменти (унинг холерик, сангвиник, флегматик тоифалари), ғоявий маслағи (унинг қизиқиши, ҳис-туйғуси, идеали, эътиқоди, дунёқараши, шахсий позицияси), ахлоқий хислати, диққати (унинг кучи, тарқоқлиги, паришонхотирлиги, зийраклиги), хотираси, иродаси (мустақиллиги, қатъийлиги, дадиллиги, мард-қўрқмаслиги), нутқи (мазмунли, мантиқли, оҳанги, суръати, дағал ва юмшоқлиги), эмоционал ички кечинмалари (кайфияти, эҳтироси, зўриқиши, жўшқинлиги, қурслиги, аччиқланиши, хурсандлиги) каби

руҳият ва маънавият жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш муаммолари ҳам кишиларни жуда қизиқтиради.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тузилишини тахминан ушбу тарзда тушунтириб берса бўлади:

- 1) бува ва буви ҳамда оиланинг қолган барча аъзолари алоқаси;
- 2) ота-онанинг ўзаро муносабатлари;
- 3) ота-она ва фарзандлар орасидаги мулоқот;
- 4) фарзандларнинг ўзаро муносабатлари тартиби;
- 5) келиннинг барча оила аъзолари билан муносабатлари;
- 6) келинларнинг (овсинлар) ўзаро мулоқот қилишлари кабилар.

Тенг ҳуқуқли оила аъзолари ўзаро иноқ ва иттифоқ бўлиб турмуш кечиришлари учун кексалар руҳияти эр-хотинлар руҳияти ва маънавиятидан, турли ёшдаги ўғил-қизларнинг руҳий хусусиятларидан (чақалоқлик, гўдаклик, болалик, кичик мактаб ўқувчиси, ўсмирлик, ўспиринлик) муайян кўламда билимга эга бўлишлари шарт.

Ватанимиз психологлари ва социологларининг текширишларига қараганда, **оилавий тарбия камчиликлари** турли-туман эканлиги далиллаб кўрсатилган, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда илдизлар очиб берилган:

- 1) болаларга катталар томонидан диққат-эътиборнинг етишмаслиги;
- 2) фарзандлар билан мулоқотга киришиш истагининг мавжуд эмаслиги ёки хоҳишнинг йўқлиги;
- 3) ота-оналар билан фарзандлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги ва унга икки томонлама интилишнинг етишмаслиги;
- 4) ота-оналарнинг ўғил ва қизларга нисбатан кўпол муомалада бўлишлари;
- 5) кўр-кўрона оталик ва оналик меҳр-муҳаббатининг ҳукм суришлиги ва унинг барқарор аҳамият касб этмаслиги;
- 6) оила даврасида, муҳитида доимий жанжалларнинг қарор топганлиги ва уларни камайтириш учун интилишнинг йўқлиги;

7) ота-оналарнинг беқарор хис-туйғулари, кайфиятлари, уларнинг тартибсиз, тасодифий характерга эга бўлишлиги;

8) ота-оналарнинг шахсий қизиқишларининг ўзаро мос тушмаслиги ва тубдан бир-бирига қарама-қаршилиги;

9) катта-кичик ёшдаги фарзандлар давраида ота-оналарнинг салбий ҳулқ-атворлари ҳамда уларнинг ичкиликбозликлари, чекишлари, гиёҳвандлиги, интим қилиқлари;

10) ота ва она ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликларнинг сурункасига давом этиб туриши;

11) оила муҳотида адолатсизлик, иккиюзламачилик, ўғрилиқ, товламачилик, порахўрлик иллатларининг намоён бўлиши;

12) оила турмушининг тўраларча қонун-қондаси — шахсий манфаатдорликка ружу қўйилганлиги;

13) ота-оналарнинг билим савиялари ва маданий даражаларининг паст эканлиги;

14) оилада яхши анъаналар, расм-русмлар, урф-одатларнинг йўқлиги ва маълум қолипдаги салбий хатти-ҳаракатларга риоя қилиниши, ижтимоий муҳитдан тубдан ажралиб қолишлиги, лоқайдлик каби қатор камчиликлар ва иллатлар ўғил-қизларни оқилона тарбиялашга ҳалал беради, кўзланган мақсад сари интилишга ғов бўлади.

Алломаларимиз таъкидлаганидск, инсонни тарбиялашдаги энг асосий йўл — эътиқоддир, эътиқодга эса ишонтириш йўли билангина таъсир этиш мумкин, холос. Тарбия ишининг муваффақиятли чиқиши учун тарбиячилар тинмай ўзларини тарбиялашлари керак.

Фақат ана шу йўллар билангина юқорида кўрсатиб ўтилган оила тарбиясидаги хато ва камчиликларни бартараф қилиш мумкин. Мазкур масъулиятли бурчни бажариш учун ота-оналар ўз устиларида кўпроқ ишлашлари ва тарбия воситаларини такомиллаштиришга интилишлари зарур.

2-БОБ. ОИЛАВИЙ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Жамиятимиз тараққиёти муносабати билан оила, унинг барча ҳаётий босқичлари жиддий ўзгаришларга учрамоқда. Миллатнинг тарихий, миллий ва регионал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзбек оилалари тараққиётини умумий ва хусусий тараққиётлар асосида оилавий тарбияни мақсадга мувофиқ яхшилаш лозим. Бу давлатнинг оилада ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш жараёнига қаратилган илмий ва амалий тавсиялардан биридир.

Оилавий тарбия деганда ота– оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзлари асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида мунтазам, изчил, ғоявий ва маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади. Ўзбек олимлари томонидан олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон шароитида оилавий тарбия, унинг мазмуни ва ташкил этилиши, оила ва ўқув муассасаларининг бошқа бўғинларига таъсир этувчи ўзига хос бир қанча ижтимоий ҳамда тарбиялаш шарт – шароитлари мавжуд бўлиб, уларни ҳисобга олмай иложимиз йўқ.

Булардан бири республикаимизнинг иқтисодий шароити, иқлими, табиатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар бир ўзбек оиласининг иқтисодий, ижтимоий ривожланишига, оилавий ҳаёт шароитининг ўзгаришига, бинобарин, оиладаги болалар тарбиясига сезиларли таъсир этмоқда. Иккинчидан, республикаимиз ўзининг демографик, этник, миллий шарт – шароитлари жиҳатдан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга, булар аҳолининг зич жойлашиши ва унинг интенсив кўпайишидир. Учинчидан, республикаимизнинг маънавий ҳаёти ва унинг ўзига хос томонлари муттасил ривожланмоқда, уларнинг оилавий тарбияга таъсири кучаймоқда.

Ахлоқий тарбияни изчил ва тартибли амалга оширишда оила муҳити ҳолати муҳим роль ўйнайди. Инсон ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори оилада қўйилади. Шунинг учун ҳам машҳур алломалар оила тарбиясига катта эътибор беришган ҳамда шу масалага бағишлаб катор қимматли асарлар ёзишган. Доно халқимиз «Бола — бошидан, ниҳол — ёшидан» деган нақлни бежиз айтмаган. Модомики шундай экан, ёш авлодни таркиб топтириш, тарбиялаш ишини ёшликдан, оиладан бошлаш керак. Бинобарин, оиладаги тарбия жараёнида ҳар бир дақиқа ва фурсатни қўлдан бой бериш орқали ота-оналар кейинчалик кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар. Ахир, нотўғри тарбия туфайли нафс балоси ўқига гирифтор бўлган ўн гулидан бир гули ҳам очилмай туриб умри хазон бўлган ёшлар камми? Донишманд тили билан айтганда, «Қарға очлик, ташналикнинг қийинчилигини сезса, музни тешади; бекиниб турган овчини кўрмай, унинг тузоғидаги донлар учун парво қилмай киравсради» (*М.Қошғарий. Девону луготит турк, Тошкент, 1960, 401-бет.*).

Ўзбек халқининг кўп асрлик бой маданияти ва тарихи бор. Мазкур маданий мерос жамиятдаги жамики маънавий бойликларни ўз ичига қамраб олади. Айниқса, Ўрта Осиё халқлари педагогикаси, маънавий-маданий тарихи бой меросга эга бўлиб, уларнинг моҳияти, мазмуни халқ ижодиётида, илғор мутафаккирларнинг асарларида акс этган. Хусусан, жумҳуриятимиз халқларининг педагогика ва руҳшунослик фанлари буйича меросини ўрганиш ишлари ҳали ўзининг кўпгина тадқиқотчиларини кутиб турибди. Ҳатто бир неча асрлар илгари Ат-Термизий, Исмоил Бухорий каби алломаларнинг инсон маънавий оламини бойитадиган дурдона ёдгорликлари, хусусан, «Қуръони карим» мазмунини ёритадиган ҳадислар мажмуаси мусулмон оламининг ҳаётбахш офтобидир.

Маълумки, ёш авлодга мақсадга мувофиқ тарбия бериш учун ота-оналар ҳам тарбиянинг вазифаси, мақсади, воситалари, шарт-шароитлари юзасидан ҳар томонлама билимга эга бўлишлари, фарзандларининг ёши ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда иш юритишлари лозим.

Ўзбек оиласида бола тарбиялашнинг ишонтириш, тушунтириш, насихат, ибрат-намуна кўрсатиш, яхши фазилатларни машқ қилиш, рағбатлантириш, танбех бериш, огоҳлантириш, жазолаш каби усуллари қўлланилади.

Оилада бола тарбиясининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб ота-оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Хусусан, улар қуйидагича:

- 1) оилада ҳиссий мослик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш;
- 2) ота-она обрўсини сақлаш;
- 3) тарбияда ота-она, катталар ўртасида талабчанлик бирлиги;
- 4) бола шахсини меҳнатда тарбиялаш;
- 5) оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги;
- 6) болани севиш ва иззат қилиш;
- 7) оилада қатъий режим ва кун тартиби ўрнатиш;
- 8) тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 9) бола таракқиётини аниқлаб бориш;
- 10) болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва бошқалар.

Оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун унда зарур руҳий хотиржамлик, ибратли руҳий муносабат, ўзаро тотувлик яратилган бўлиши зарур. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик, бир-бирига ғамхўрлик мавжуд бўлса, бундай муомала, муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Улар ўз фарзандларига чинакам бахт, қувонч ҳадя этадилар.

Оила аъзоларининг дид-фаросати, қизиқиши, майллари, эҳтиёжлари, интилишлари ўзаро бир-бирига муносиб бўлса, онанинг иноқ, аҳил турмуш кечиришларига, оилавий муносабатларнинг мустаҳкам бўлишига пухта замин ҳозирлайди. Муайян даражада шарт-шароитларнинг мавжудлиги, ота-онанинг ўзаро бир-бирларини тушуниб турмуш кечиришлари, мақсад ва вазифалардаги бирлик, юзага келадиган зиддиятларни биргаликда

бартараф эта олишлари мустаҳкам оила муҳитини шакллантиради.

Ўзбек оилаларининг аксарияти ўзининг серфарзандлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, ота-онанинг хоҳ ўғил, хоҳ қиз, хоҳ тўнғич, хоҳ кенжа фарзанд бўлмасин, уларга тенг ва одил муносабатда бўлиши, эркалатмаслиги, катталар намунаси орқали кичикларни тарбиялаш ижобий ходисадир.

Кам болали оилаларда ота-оналар фарзандларини ортиқча эркалайдилар — бола оиланинг танҳо овунчоғига айланиб қолади. Натижада шундай ўғил ёки қизлар эрка, ўжар, тантик, шахсиятпараст бўлиб вояга етиши мумкин.

Оилада қатъий интизом ва кун тартибининг бўлиши болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Болаларнинг билим олишдаги ютуғи, ахлоқи, саломатлик даражаси кўп жиҳатдан оилада қарор топтирилган оқилона режимга боғлиқ. Шунинг учун ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу борада ибрат кўрсатишлари, оқилона тузилган оила режимига қатъий амал қилишлари, фарзандларга ҳам ўргатишлари даркор. Бу нарса, айниқса, қиз болалар тарбияси учун жуда зарурдир. Чунки у катта бўлгач, ниҳол каби бошқа уйга кўчиб ўтади — оила куради.

Оила- бу ўзига хос хўжалик бўлиб, унинг турмуш кечириш, муаммолари мавжуд. Ота-оналар оила аъзоларининг амалий фаолиятларини уюштиради, уларнинг овқатланиш, таълим олиш, ишлаш, дам олиш, кийим-бош билан таъминлаш каби кундалик режимини ташкил қилади; фарзандни болалигидан бошлаб меҳнатга, мустақилликка, шахслараро ибратли муносабатга ўргата боради.

Бола тарбияси ота-оналардан махсус педагогика ва психология бўйича билимлар, алоҳида кўникмалар бўлишини қатъий равишда талаб қилмасада, доимий юз бераётган тарбия муаммоларини тўғри ҳал қилиш устида фикр юритишни тақозо этади.

Мурғак тасаввурли бола илк тарбияни оилада олади. Бола тарбиясининг илк сабоқлари ҳақида атоқли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний

Ўзининг «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» китобида қуйидаги ибратли уғитларни айтган эди: «Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватлантирмак, зеҳнимизни равшанлаштирмак лозим»

Бола ота-онанинг оғушидан, илиқ нафасидан, қалб ҳароратидан баҳра олиб ўсади. Олам сирларини фарзанд даставвал ўзининг нури-дийдаларидан ўрганади. Шунинг учун ота-онани биринчи тарбиячи муаллим дейишади.

Оилада фарзанд тарбиясини тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантиришдир. Бунга болани фақат ишонтириш йўли билан эришиш мумкин. Шунинг учун ота-она ўғил-қизларни тарбиялашда уларни кўрқитишда ёки асоссиз буйруқ беришга таянмасдан иш тутиши керак. Хўш, ота-она обрўси болада қачон пайдо бўлади?

Турмуш тажрибаларидан шу нарса маълумки, ота-онанинг обрўси давлат ва оила аъзолари олдида жавобгарликни ҳис қилишдан бошланади. Агар ота-она ўз иши, ўз бурчи учун жавобгар эканлигини ҳис қилса ва унга амал қила олса, бу уларнинг обрўсидир. Улар ўзларининг хулқида, хатти-ҳаракатларида буларга риоя қилсалар, етарли обрў қозона оладилар.

Ота ва она обрўси бутун ҳаёт давомида кундалик ибратли хулқи, ахлоқи, интизоми, камтарлиги, ишбилармонлиги билангина қўлга киритилади. Ибрат-намуна, заҳмат, чин эзгу-ният эвазига юзага келган обрў ҳақиқий обрў ҳисобланади. У фарзандлар диққат-эътиборига меҳр-муҳаббат билан йўғрилади. Натижада оила аъзолари тотув, осойишта, иноқ, ҳаёт кечирадилар; оилада фарзандлар орзу қилгудай, замона руҳига мос тарбия оладилар. Улар ота-оналари билан беҳад фахрланадилар ва шу туйғу билан яшайдилар. Бу ўз навбатида, ёшларда келажак ҳаёти учун, турмуш учун ибратли ахлоқ кўникмаларини таркиб топтиради.

Баъзи ота-оналар борки, улар болалар, оила аъзолари ўртасида калондимоғлик, серзардалик, баджаҳллик, ўзини ўта оғирқарвон тутиш, «донишманд» қилиб кўрсатиш йўли билан обрў орттирмоқчи бўладилар.

Оилада айрим ота-оналар тазйиқ этиш йули билан фарзандлари ўртасида обрў орттиришни хоҳлайдилар. Бунда улар кўрқитиш, ноўрин

буйруқ бериш, тазйиқ ўтказиш усуллари қўллашади. Улар заҳархандалик ва баджаҳлликни тарбия воситаси дсб ҳисоблайдилар. Қўрқинч асосида болада вужудга келган «бўйсун»ни улар ўзларича обрў деб тушунадилар.

Баъзи ота-оналар фарзандлари билан камроқ мулоқотда бўлиш, улардан ўзларини нарироқ олиб юриш билан обрў орттиришни ўйлашади. Уларнинг назарида, гуё фарзанд билан қанча кам учрашилса, шунча кўпроқ обрў қозониш мумкин. Бу мутлақо нотўғри тушунча, ота-она ўз фарзанди билан қанча кам мулоқотда бўлса, улар ўртасида бегоналашиш, лоқайд бўлиш ҳолатлари келиб чиқади.

Айрим ота-оналар бола билан фақат расмийчилик орқали обрў орттиришга ҳаракат қилишади, ҳолос. Бунда улар қилдан қийик, қидиришади, болага танбех, беришади, унинг барча хатти-ҳаракатларини чеклаб қўйишади, бўлар-бўлмасга жеркиб, силталаб ташлашади.

Тадқиқотларга кўра, фарзандларга ортикча панд-насихат қилавериш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунончи, баъзи ота-оналар арзимаган майда-чуйда масала бўйича ҳам узундан-узоқ угит-насихат қиладилар, ўзларининг насихатгуилигини бурч деб ҳисоблайдилар. Майдагаплик, эзмалик билан ўғил-қизлар ўртасида обрў қозониб бўлмайди.

Турмушда шундай ота ва оналар ҳам учрайдики, улар сохта яхшилик қилиш орқали фарзандлари олдида обрў орттирмоқчи бўладилар. Бундай ота-оналар ўзларининг юмшоқ муомалалиги, беозорлиги, кечирувчанлиги, ён берувчанлиги, кам талабчанлиги билан фарзандларни ўзларига ром қилиб олишни истайдилар. Уларда на қатъиятчилик, на талабчанлик, на барқарорлик мавжуд. Унутмайликки, тилёғламалик, сохталик, сунъийлик билан болани яхши йўлга солиб ва унинг олдида обрў қозониб бўлмайди.

Ота-она обрўсини орттиришда, энг аввало, ибрат-намуна муҳим роль ўйнайди. Оилада тарбия ишини муваффақиятли амалга ошириш учун ота-она тинмай ўзларини тарбиялаб боришлари керак. Ўзларида етишмайдиган сифат ва фазилатларни тўлдириб, мавжуд иллатларни батамом тугатишлари лозим. Чунки ота-оналарнинг тарбия жараёнидаги истъдоди — бу фарзандларга

нисбатан муҳаббат ва садоқатдан иборатдир.

Ота-она фарзандлар ўртасида обрўга эга бўлишлари учун қатор чора ва тадбирларни амалга оширишлари зарур. Даставвал улар турли ёшдаги фарзандлари руҳий дунёсига мос муомала қилишлари даркор. Кичик, ўрта ва катта ёшдаги ўғил-қизлар билан мулоқотда уларнинг ёш хусусиятларига мос муомалада бўлиш шарт.

Ота-оналар фарзандлари давраида обрў орттириш учун уларнинг руҳий дунёсига аста-секин кириб боришлари айтилиши мумкин. Чунки болалар ота-оналар қалбига яқинлашиш учун кичкинтойлар «от-от» ўйнашни, ўрта ёшдагилар мусобақалашни ёки беллашни, кичик ёшдаги ўқувчи болалар эса эртақлар оламига киришни, ўспиринлар оилавий, ижтимоий масалалар юзасидан мунозара юритишни ёқтирадилар. Чин обрўга эга бўлмоқчи бўлган ҳар бир ота-она қимматли вақтларини ўз фарзандларидан ҳеч аямасликлар керак. Болалар руҳий дунёсига кириш бачканалик эмас, балки тарбия воситасидир. Фарзандларнинг талаб ва эҳтиёжларини оқилона қондириб бориш уларни бир-бирларига тобора яқинлаштиради, обрўларига обрў қўшади.

Оила давраида ота-оналарнинг қўлатувчанлиги, сезгирлиги ва ҳозиржавоблиги муҳим аҳамиятга эга. Майда-чуйда нарсалар ҳам диққат-эътибордан четда қолмаслиги, уларга шахсий фикр-мулоҳазалар билдиришлари фарзандни ҳушёр қилтиради. Улар ўзларининг нуридийдаларида бундай ажойиб хислатларнинг мавжудлигидан чексиз қувонадилар.

Ота-оналарнинг одилона меъёрли талабчанлиги обрў орттиришнинг энг муҳим йўлларида биридир. Фарзандларнинг қўлига, қўлиятига, қизиқишига биноан ақлий ва жисмоний топшириқлар берилиши ва ўз вақтида уларнинг натижасини текшириш болаларда қатъиятликни вужудга келтиради, натижада катта ёшдагиларга нисбатан уларда ихлос ортади. Ихлос, ҳурмат, обрўнинг узвий занжири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун унга алоҳида эътибор бериш фарзанд камолоти учун муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ота-оналарнинг самимийлиги ва ғамхўрлиги уларга катта обру келтириши мумкин. Улардаги самимийлик, ғамхўрлик фазилатлари фарзандлар юрагида учмас из қолдириб, тўғри йўл топа олади. Уларнинг ибратли характер хислатлари болалар қалбида келгуси орзу-умидлари гулшани сифатида катта роль ўйнайди; бинобарин, уларга нисбатан ишонч, интилиш, мойиллик каби истикбол сифатлари вужудга кела бошлайди. Ота-она обрўси ортиши учун уларда маънавий қиёфа, ахлоқий байналмилаллик, ғўзалликка қарашлари, барқарор эътиқод бўлмоғи зарур.

Оилада тотувликнинг мавжуд бўлиши барча муваффақиятларнинг гаровидир. Чунки оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабатлари келажак авлоднинг қандай шахс бўлиб вояга етишига ўз таъсирини кўрсатади. Хўш, оила қучоғида қандай муносабат вужудга келганда унда тотувлик, бир-бирларини тушуниш ҳолати ҳукм суради?

Фарзандларнинг руҳий хусусиятларидан қариялар, тажрибали ота-оналар ўз турмуш тажрибалари орқали бир оз бўлсада хабардорлар. Лекин улардаги билимлар руҳият қонуниятларига, болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларига асосланмаган бўлади. Шу туфайли қариялар ёки катта ёшдаги кишилар билан болалар ўртасида «англашилмовчилик ғови» вужудга келади. Бундай муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Бу нарсани ўзгартириш учун уларни психология ва педагогика ҳақидаги билимлар билан муайян даражада қуроллантириш керак.

Ўз-ўзидан маълумки, болаларнинг руҳий хусусиятларини қарияларга ҳамда катта ёшдагиларга таништириш оилада тотувлик, ҳамжиҳатлик, илиқ руҳий иқлимни барпо қилади. Болаларнинг катта ёшдагиларга ва қарияларга бўлган илиқ муносабати, меҳр-муҳаббати, намуна-тимсол ёки маслак сифатида қараши ва бошқа жараёнлар орқали ўзаро тушунув намоён бўлади. Фарзандларга нисбатан қилинган юмшоқ ёки қўпол муомала уларнинг руҳий дунёсида ижобий ёки салбий таассурот қолдиради. Киши кайфияти ё кўтарилади ёки мутлақо бузилади.

Қариялар ва ота-оналар фарзандларининг феъл-атвори ва хулқини,

қобилияти ва қизиқишини, умуман олганда, уларнинг руҳий дунёсини чуқур билган тақдирдагина оилада нормал (муътадил) руҳий илиқ иқлим мавжуд бўлиши мумкин.

Кичик ёшдаги болалар мактаб оstonасига оёқ босиши билан ўйин фаолияти ўрнини ўқиш фаолияти эгаллай бошлайди. Баъзан улар кийинчиликлар олдида бардош бера олмай инжиқлик қиладилар. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун уни эркалатмаслик, ҳамиша қўйган талабини каттиққўллик билан амалга оширавермаслик даркор. Унинг ўрнига йўл-йўрик кўрсатиш, тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Фақат ана шундагина унда иродавий сифатлар шаклланади.

Бундай ёшдаги болаларга оилада талаб бир хил бўлиши яхши натижа беради. Уларнинг талаб ва истакларини далиллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилиш, нотўғри ёки қалбаки ахборотлар беришдан сақланиш керак. Ёлғон жавоб бериш орқали ота-оналарнинг фарзанд олдида обрўси пасаяди, чунки улар уйда олинган жавоб билан ўқитувчисининг жавобини солиштирадилар ва шу аснода ким ҳақ ёки ким ноҳақ эканлигини аниқлайдилар. Улар учун бошланғич синф ўқитувчиси донишманд, билимдон, ишбилармон шахс ролида намоён бўлади.

Оилада катталар обрўси қўрқитиш асосида вужудга келмасдан, балки самимийлик ила ҳурмат замирига қурилиши мақсадга мувофиқдир. Оила аъзоларининг иноқлиги, хатти-ҳаракати, кийиниши, меҳнат фаолияти, ўзга кишилар тўғрисидаги суҳбатлари ва уларнинг бошқа сифат ҳамда фазилатлари боланинг мурғак тасаввурига янги тимсолларни олиб киради. Кичик ёшдаги болалар тарбияга берилувчан ҳамда катталарга ишонувчан бўладилар. Ота-оналар уларнинг бу хусусиятларини инобатга олган ҳолда мулоқотда бўлсалар, оилада тотувлик қарор топади. Шу фазилатлар бола онгига сингиб боради ва у келажакда ахлоқан соғлом ўсмир бўлиб етишади.

Ўсмирлик даврида (11—15 ёшлар) болаларнинг руҳий дунёсида катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришларга қатор сабаблар таъсир қилади. Жумладан, унинг биологик жиҳатдан тараққиёти, жинсий ўсиши, педагогик

жамоа кўламининг кенгайиши, қуршаб олган муҳит таъсири ва бошқа омиллар. Ана шу омиллар таъсири натижасида унинг руҳиятида кескин бурилиш ясалади. Шунинг учун мактабда, оилада ва куча-куйда ўзини тутиши ўзгаради; ахлоқий масалаларга қараши бошқачароқ тус олади. Худди шу даврда ўсмирларда шахсий фикрини маъқуллаш, бошқалар фикрига танқидий муносабатда бўлиш, камчиликларига ўз вақтида иқдор бўлмаслик, ўжарлик, ўзбилармонлик, ўзини катталардек ҳис этиш каби хусусиятлар кўзга ташлана бошлайди.

Ота-оналар ўсмирлар билан мулоқотга киришишда уларнинг иззат-нафсига тегмаслиги ҳамда калака қилмаслиги зарур. У ҳолда ота-онага бўлган меҳр-муҳаббат, самимий ҳурмат ўрнини нафрат, ҳасад эгаллаши мумкин. Ҳамиша уларга ҳақиқатни силлиқ муомала орқали тушунтириш даркор: «Ўғлим, уғит-кенгашимни қулогингга ол, билимсизликни ташла. Кимнинг талқони бўлса, шиннига қоради. Шунингдек, ақлли киши насихатни қабул қилади» (*М. Кошғарий, Девону лугатит турк, I том, Тошкент, 1960, 413-бет.*) қабилида гапирилади.

Ўсмирларнинг жинсий тарбиясига раҳнамолик қилиши ота-оналарни фарзандларга янада яқинлаштиради. Ота-оналар уларнинг мураббийси, маслаҳатгўйи, сирдоши ролида ҳаёт майдонига отилиб чиқадилар. Ўсмирларнинг юриш-туриши, меҳр-оқибати, ақлий камолоти турлича бўлади. Шунинг учун улар билан муомала қилишда шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутилса, оилада ўзаро тушуниш, тотувлик, ҳамжиҳатлик, руҳий мослик вужудга келади. Бу ерда отанинг онага ёки аксинча, бир-бирларига қилган муносабатлари ҳам шу иқлим шарт-шароитларига тубдан мос тушиши шарт. Чунки ота-онанинг ўзаро тотув ҳаёт кечириши оиланинг таркиб топиши борасидаги асосий омилдир. Халқимиз шунинг учун ҳам «эру хотин кўш хўкиз» деб айтишган.

Ўспиринлар (16—18 ёшлар) ўзларининг руҳий хусусиятлари билан бошқа ёш даврдаги болалардан кескин фарқ қиладилар. Улар ҳам жинсий, ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан вояга етган, камолотга эришган, дунёқараши,

Ўз-ўзини бошқариши каби етук инсоний хусусиятлари таркиб топган бўлади. Шу туфайли улар вазмин, мулоҳазали бўладилар, катта ёшдагиларга ҳурмат-эҳтиром билан қарайдилар. Улар узоқни кўзлайдиган, келажак учун қайғурадиган, ота-оналарининг яқин ёрдамчисига айланадилар. Шунинг учун ота-оналар ўспирин фарзандлари билан маслаҳатлашиб иш тутишлари, дидларига, мулоҳазалзрига қулоқ солишлари, умуман уларнинг раъйига қарашлари, кўп ўринда ҳисоблашишлари лозим.

Баъзан ўспиринлар ичида тарбияси қийинлар ҳам учрайди. Ота-оналар уларга нисбатан бошқачароқ йўл тутишлари, нопок йўлларга бошловчи сабабларни аниқлаши ҳамда ундай иллатларга қарши кураш олиб боришлари шарт. Агар оиладаги руҳий иқлимга ҳадеб салбий таъсир этаверса, у ҳолда педагогика жамоасига ва жамоатчиликка мурожаат қилган маъқул. Ваҳоланки, ўзбек халқида, бир болага етти маҳалла оталик қилади деган гап бор, бу бежиз эмас.

Ўспиринларда инсоният учун энг муқаддас, нозик туйғу — муҳаббат куртаги пайдо бўлади. Шу туйғу қалбини қамраб олиши туфайли унинг руҳий дунёсида айрим ўзгаришлар юз беради. Ота-она фарзандларининг бундай туйғусидан хабардор бўлиши, руҳан тетиклашиши, маслаҳатлар бериши, намуналар келтириши зарур. Улар билан муомала қилиш давомида севги, муҳаббат, ошиқлик каби сўзларни эҳтиёт бўлиб ишлатишлари, эндигина ўсиб келаётган туйғусига болта урмасликлари лозим.

Одатда ўспиринларда кийиниш, юриш-туришда ҳаддан ташқари бачканалик ҳоллари учраб туради. Бундай пайтда ота-оналар мажбур қилиш, ҳақоратлаш, иззат-нафсига тегиш йули билан эмас, балки уларга самимий суҳбат орқали тушунтиришлари, таъсир этишлари, «Сатанг совукда қотибди» каби ибораларнинг мағзини чақиб беришлари яхши самара беради.

Ўспиринларга касб танлашда тўғри йўлланма бериш уларнинг қизиқишларини эътиборга олишлари лозим. Айрим ота-оналар фарзандларининг майлига, интилишига, раъйига қарамасдан олий ўқув юртларига мажбуран кириб ўқишни тавсия қиладилар. Кўпинча ўз касбини

сева олмаган йигит ёки қиз ўқув даргоҳини ташлаб кетади. Бундай кўнгилсиз ҳол оила тинчлигини бузади, фарзандлар билан катта ёшдагилар ўртасида кўнгилсиз воқеалар содир бўлади. Шунинг учун, такрор айтамикки, ота-оналар фарзандларининг касб танлашида ҳисоблашишни сира унутмасликлари керак.

Оиладаги руҳий иқлим, тотувлик ҳамisha барқарор бўлиши учун қариялар, ота-оналар ўз фарзандларининг руҳий дунёсини билишлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб иш тутишлари мақсадга мувофиқдир. Фарзандлар ҳар қачонги вақтда ҳам оилада ўзидан катталарга ҳурмат билан қараши керак.

Шу ўринда айтиш керакки, ота-она болага ҳунар танлашида ёрдам бериб, шу ҳунарда обрў топган, баракали меҳнат қилган кишининг қўлига шогирдликка бериши керак. Бизга устоз-шогирдликнинг натижаси маълум. Устоз отангдан улуғ, дейди доно халқимиз.

Оила тарбияси жараёнида болалар онгига сингдириладиган ахлоқий қоидалар, урф-одатлар, анъаналарга риоя қилиш йўл-йўриғи зерикарли, қуруқ насиҳатгуйликдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Аксинча, энг яхши омиллардан бири—аниқ ҳаётий омилларни таҳлил қилиш орқали тўғри тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилишдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун ҳаётий мисоллардан, бадиий адабиёт материаллари, машҳур кишилар ҳақидаги, хотиралар, эсдаликлар ва уларнинг таржимаи ҳолларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Оилада меҳнат тақсмотини тўғри ва адолатли амалга ошириш фарзандларда ҳар хил кўникма ва малакаларни таркиб топтириш меҳнатсеварлик ҳислатини вужудга келтиради. Меҳнат улушларини ўғил-қизларнинг ёшига, кучига, дидига, қобилияти ва қизиқишига мос равишда тақсимлаш уларда кундалик эҳтиёж, зарурият ҳиссини туғдириш билан бирга масъулият деган одоб ҳислатини ҳам барқарорлаштиради.

3-БОБ. ОИЛАДА БОЛА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Оилада болалар фаолиятини ташкил этишда нималарга аҳамият бериш зарурлиги ҳақида гапирганда, аввало, атоқли педагогларнинг бу масаладаги қимматли фикрларига тўхталиб ўтиш зарур деб ўйлаймиз. Бунда атоқли педагоглар: Н.К.Крупская, А.С.Макаренко, В.А.Сухомлинскийларнинг таълимотидан ҳамда Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Абдулла Авлоний, Т.Н.Қори-Ниёзий каби маърифатпарварларнинг ғояларидан фойдаланади.

Педагог Н.К.Крупская 1898 йилда нашр эттирган «Ишчи аёл» деган асаридаёқ жамиятда болаларни оилада ва ижтимоий йўсинда қандай тарбиялаш йўллариини назарий жиҳатдан асослаб берган эди.

Н.К.Крупская жамиятимиз учун янги инсонни тарбиялаб етиштириш вазифасини илгари сураб экан, хоҳ оилада бўлсин, хоҳ ижтимоий тарбия муассасалари ва мактабда бўлсин тарбиянинг асосий мақсади ҳақиқий меҳнат кишисини тарбиялаб етиштиришдан иборатлигини уқтирган эди. «Биз меҳнат республикасида яшаётганлигимизни заррача бўлса ҳам унутмаслигимиз керак. Бизга меҳнатдан кочувчи ойимтиллалар эмас, балки мохир кадоқ қўллар керак»,—деб таъкидлаган эди Н.К.Крупская. Демак, бу улуғ педагогнинг фикрича, оилада болаларни биринчи галда меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаб, вояга етказиш лозим.

А.С.Макаренконинг оилада болаларни тарбиялаш ҳақидаги қимматли фикрлари унинг бир қатор китобларида, айниқса, «Ота-оналар китоби», «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар» деган асарларида тўла баён этилган.

Новатор-педагог «Ота-оналар китоби»да: «Ҳозирги ота-оналар болаларни тарбиялаб ўстириш билан мамлакатимизнинг келажак тарихини ва демак, дунё тарихини ҳам тарбиялаб етиштирадилар» деб таъкидлайди.

Болаларни тарбиялаш ишида энг муҳим шарт — оиланинг мустаҳкам, маънавий соғлом асосга қурилганлиги, аввало, ота-оналарнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари, улар ўртасида тотувлик, аҳиллик, чин дўстлик

барқарор бўлиши, болаларни келажак ҳаётга тайёрлаш — уларнинг кундалик эътиқод тарзида масъулиятли бурч эканлигини онгли тушунишлари ва буни амалда қўллашлари керак. Акс ҳолда, «Қамишни бўш ушласанг, қўлингни қияди» деган гап бор. Бир донишманд «бир болани тарбия қилиш, бир давлатни идора қилишдан кўра қийин кечади», деган эди. Модомики шундай экан, фарзандларимиз тарбиясини, барча ишлардан устун қўя билишимиз керак.

А.С.Макаренко “Ота-оналар китоби”да болалар тарбияси хусусида ҳар хил оилаларни мисол қилиб келтиради, уларнинг қандай асосга қурилганини айтиб, ундаги салбий томонларни ҳам, ижобий томонларни ҳам кўрсатиб ўтади.

А.С.Макаренко оилада болаларни тўғри тарбиялашда ота-она намунаси, уларнинг обрўси муҳим роль ўйнашини биринчи ўринга қўяди. Ташқи кўринишдан дилкаш, ўз фарзандларига ғамхўр бўлиб кўринган, аммо ота-оналик маънавий қиёфасини бутунлай йўқотган, жаҳл-ғазаб ўтини сочиб ўз фарзандининг ёш мурғак қалбини куйдираётган, унинг келажagini бугаётган, саломатлигини издан чиқараётган, ҳаётдан бездираётган, унинг жамият учун ҳам, ўз ҳаёти, келажаги учун ҳам мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабаб бўлган кишилар, ярамас оила муҳити, калтабин, жаҳолатпараст ота-оналар хусусида атоқли педагогнинг куюниб гапиришларида жон бор.

У ота-оналарга қарата: «Сиз болангиз билан ёнма-ён бўлганингизда эмас, балки уйда йўқ пайтингизда ҳам тарбиялай олинг. Сизнинг тарбиявий таъсирингизни болангиз доимо ҳис қилиб турсин», дейди. Бунга, албатта, ота-оналар ўз фарзандлари олдидаги юксак обрўси орқали эришишлари мумкин.

Оилада болаларнинг ўзлари бажарадиган юмушлари бўлиши лозим. Болаларнинг ўз топшириқларини аъло даражада бажаришларини, бошлаган ишларини охирига етказишларини, ишдаги саранжом-саришталигини, масъулиятни сезиш туйғусини, ташаббускорлигини, ижодкорлигини ота-она қаттиқ назорат остига олишлари яхши натижалар беради.

Кичик ёшдаги болалар ҳаётида ўйиннинг аҳамияти катта. Атоқли педагоглар «бола кичиклигида ўйин фаолиятига қандай муносабатда бўлса,

катта бўлганида ҳам меҳнат фаолиятига худди шундай муносабатда бўлади», деб таъкидлайдилар. Крупскаянинг фикрича, 5—6 нафар боланинг бошини ковуштириб, уларни ўйин фаолиятига жалб эта олган, ўйиннинг боришини муваффақиятли ташкил этиб, ўз тенгдошлари фаолиятини тўғри уюштираётган болалардан келгусида давлат арбоблари етишиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга мисол тариқасида жаҳонгир Амир Темурни олишимиз мумкин.

Эртақлар, бадий адабиёт ва санъат асарлари кичик ёшдаги болаларнинг мурғак қалбларини тўлқинлантириб, уларнинг эстетик ва ахлоқий жиҳатдан шаклланишларида ғоят муҳим роль ўйнаши ҳаммага маълум.

Атоқли педагог В.А.Сухомлинский инсоният бахти учун туғилган кишилардан бири эди. Унинг 30 дан ортиқ асарлари, 300 дан ортиқ мақолалари болалар тарбиясига бағишланган. Хусусан, В.А.Сухомлинскийнинг «Тарбия ҳақида», «Ўғлимга хат», «Болаларга жоним фидо» каби асарлари ғоятда машҳур бўлиб, уларда болаларни тарбиялаш йўллари ҳар томонлама кўрсатилган. Бу китобларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва нафосат тарбияси бериш орқали ҳақиқий фуқарони вояга етказиш мумкинлиги айtilган.

Айниқса, В.А.Сухомлинскийнинг болаларни илк даврдан соғлом ўстириш зарурлигини қайд этган ғоялари «Болаларга жоним фидо» китобида баён этилган. Бу китобнинг бобларидан бири «Соғломлик, соғломлик ва яна бир қарра соғломлик» деб аталади. Бинобарин, «Сухомлинский болаларнинг соғломлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш системасини ишлаб чиққан бўлиб, бу система ўқувчининг ҳаётини оқилона ташкил этишга, гимнастикага, тўғри овқатланиш тартибига асосланган эди ва бу системада асосий нарса — соф ҳавода бажариладиган ҳар хил меҳнат турлари эди».

В.А.Сухомлинский инсон шахси камолга етишининг мураккаб йулларини синчиклаб, қадам-бақадам очиб беради, унинг учун меҳнат энг биринчи қувонч, инсоннинг энг зарур эҳтиёжи бўлиб қолади. У тадқиқотлар асосида болалар касалликларининг, болалар дангасалиги, заифлигининг

сабаблари оилавий тарбиянинг нуқсонларида яширинганлигига ишонч ҳосил қилади. У болаларни тарбиялашни ота-оналардан, ахлоқан тарбияни эса боланинг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилишдан бошлайди».

Боланинг фаолиятини тўғри ташкил этишда оиланинг роли ниҳоятда катта эканлиги тўғрисида ўзбек маърифатпарварлари ғоятда қимматли фикрларни баён этганларки, ўқитувчи бу тўғридаги зарур фикрларни Абу Райҳон Берунийнинг «Минерология», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», И. Хусанхўжаевнинг «Алишер Навоий таълим ва тарбия ҳақида», Абдулла Авлонийнинг «Тошкент тонги», Т.Н.Қори Ниёзийнинг «Хаёт мактаби» китобларидан, Абу Наср Форобийнинг мулоҳазаларидан олиши мумкин.

Абу Наср Форобийнинг эътиқодига кўра, «Ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади». «Биринчидан бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин; (иккинчидан) барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин; (учинчидан) хотиржам, жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин; (тўртинчидан) зеҳни шу даражада тез ва ўткир ишласинки, бирон нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришини тез билиб олсин; (бешинчидан) сўзлари аниқ бўлсин, фикрларини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин; (олтинчидан) билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин; (еттинчидан) овқатланишда, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин; (саккизинчидан), ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин; (тўққизинчидан) руҳи ғурурли ва ўз виждонини

кадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга интиладиган бўлсин; (ўнинчидан) дирҳам, динар ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин; (ўн биринчидан) ўз табиати билан адолатли ва адолат учун курашувчиларни севадиган, адолатсизлик ва жабр-зулмга ҳамда жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларини барчага тақдим этган ҳолда, одамларни адолатга тарғиб этадиган ва адолатсизлик натижаларини йўқотадиган ва уларга йўл қўймайдиган бўлсин; (ўн иккинчидан) адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик ва пасткашлик олдида қатъий бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатиш ва қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин».

Ўқитувчи Форобийнинг ҳаётга, одамларга, ижтимоий муҳитга бўлган холис, соғлом қарашларини алоҳида таъкидлаб, бу тўғрида ўз фикрини қўйидаги сўзлар орқали асослайди: “Форобий разил, ифлос хислатларни қоралаш, ахлоқсиз шахсларни фош қилиш ва уларга олижаноб ахлоқий хислатларни қарама-қарши қўйиш билан ҳам жисмоний, ҳам ахлоқий, ҳар жиҳатдан етук ва мукаммал бўлган инсон идеалини яратади ва уни ҳар қандай таълим-тарбиянинг мақсади сифатида намуна қилиб қўяди» (*Хайрулласев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. Т. «Ўқитувчи», 1967, 87-бет*).

Алишер Навоий ёш авлодни вояга етказишда таълимни тарбия билан бирга узвий боғлаб олиб бориш зарурлигини қайд этади. Ота-онанинг ҳамда ўқитувчининг жамият олдидаги виждоний бурчи, вазифаси болага илм ўргатиш ва унинг маънавий қиёфасини хуш-хулқ, хушодоб билан безашдир, деб уқтиради.

Шоир, ёзувчи, таржимон, педагог, давлат арбоби Абдулла Авланийнинг маърифатпарварлик ғоялари фарзандларни вояга етказишда ҳар бир оила, ота-она учун дастуруламал таълимотдир. Айниқса, унинг дидактик (таълимий)

мазмунда ёзган ва улкан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» асари гоят машҳур бўлиб, Абдулла Авлоний умрини абадийлаштирувчи мангу обидадир.

Тажриба ва кузатишлар шуни кўрсатадики, оилада болалар фаолиятини тўғри ташкил этиш уларнинг келажагини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлсада, бироқ, ота-оналар бунга етарлича аҳамият бермайдилар. Ота-оналарнинг бепарволиги, беғамлиги, лоқайдлиги туфайли боланинг қимматли вақти кўпинча беҳуда ўтади.

Кун тартибига амал қилмаслик вақтдан унумли фойдалана билмасликни келтириб чикаради. Ҳатто уйда дарс тайёрлаш учун маълум тартиб-қоидалар борки, бола бу тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиши, ўз навбатида, ота-оналар бу фаолиятни назорат қилишлари лозим. Мутахассисларнинг фикрича, бола дарс тайерлаши учун мустақил иш столига эга бўлиши ва дарс қилаётганида бу столда тегишли дафтар-китоблардан бўлак ортиқча нарсалар бўлмаслиги зарур. Ҳатто қайси ўқув фанлари бўйича уй вазифаларини қачон, қай тарзда бажариш шартлари мавжуд бўлиб, бунда:

- а) дарс тайёрлашни ўртача қийинчиликдаги ўқув фанидан бошлаш;
- б) кейин қийин ўқув фанларини (математика, физика ва ҳ. к.) тайёрлаш;
- в) охирида эса осон ўқув фанлари билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир 45 минутлик дарс тайёрлаш фаолиятидан сўнг 10-15 минут танаффус қилиш керак. Атоқли педагог А.С.Макаренко тавсия этган бу тартиб методик томондан ҳамон аҳамиятлидир.

Уй шароитида ўғил болалар билан қиз болалар бажарадиган ишлар, турли юмушларда маълум даражада фарқ бор, албатта. Бироқ ўрни келганда ҳар иккала жинсдаги болаларнинг дуч келган юмушларни бажаришлари фойдадан ҳоли эмас. Бу тўғрида Н.К.Крупская «Аёллар бажарадиган ишларни ўғил болаларга ўргатиш керакми?» деган мақоласида ҳам ёзган эди.

Болаларни озодаликка, саранжом-саришталикка, меҳнатни қадрлашга, катталарни, айниқса, кексаларни ҳурмат қилиш ва меҳрибонлик, кичикларга

ғамхўрлик кўрсатишга ўргатиш ғоятда муҳимдир, ота-оналар буни фарзандларига уқтириб, улар фаолиятига катта эътибор билан қарашлари лозим. Улар ўғил-қизларининг хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлиб туришлари, хатто кичик бўлиб кўринган хато ва камчилик учун ҳам мурасасиз бўлиб, уларни тез орада бартараф этиш чораларини кўришлари лозим. Чунки бугун арзимас бўлиб кўринган кичик хато эртага катта хатоларга йўл очиб беради бунинг оқибати ёмон бўлади.

Оилада тўнғич фарзанд бошқа фарзандларга ғамхўр, меҳрибон бўлиши лозим. Халқимизда «Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ёқда юради» деган нақл бор. Зеро, тўнғич фарзанд ўзининг барча яхши фазилатлари билан бошқа кичик болаларга намуна бўлиши керак.

Атоқли чех педагоги Ян Амос Коменский «Оила - ахлоқ масканидир» деб қайд қилар экан, онанинг фарзандга берадиган меҳри унинг қалбида бутун инсониятга бўлган меҳр-муҳаббатни пайдо қилади, деб айтган эди.

4-БОБ. ОИЛАДА МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ВА МАДАНИЙ МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

«Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар», - дейилади Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида.

Фарзанд ҳаётнинг гули. Дарҳақиқат, одобли фарзанд билан ҳаёт файзлидир. Бироқ, фарзандлар хатти-ҳаракатида ҳам гоҳо нуқсонлар кўзга ташланади, уларни ўз вақтида олдини олиб, бартараф этмаслик гуноҳ ишларга олиб боради. Шунинг учун оилада фарзандларга ҳадис намуналарини уқтириб бориш керак.

Педагогика фани атамасида «тарбияси қийин» деган тушунча мавжуд. Бу тушунча одатда шўх ва қайсар ўқувчиларга нисбатан ишлатилади. Шунингдек, тарбияси оғир болалар қаторига ўзбошимча, ҳатто безори ва зараркунанда даражасига тушиб қолган ўсмирлар ҳам киради; уларни тарбиялаш, ҳаётда ҳақиқий тўғри йўлга солиб юбориш осон иш эмас, албатта. Бироқ астойдил, эътиқод ва фидойилик кўрсатиб, ижтимоий фанлар қонуниятларига суяниб, бу оғир ва машаққатли ишда муваффақиятга эришадиган тарбиячи-мураббийлар ҳам йўқ эмас. Чунки атоқли педагог В.А.Сухомлинский айтганидек, ёмон бола йўқ, фақат ёмон тарбиячи бор, холос. Халқимиз «онасини кўриб, қизини ол» деб бежиз айтмаган.

Бола руҳияти ва маданиятидаги нуқсонларни ўз вақтида пайқаб, уларни бартараф этиш тадбирларини излаш ва моҳирона иш юритиб, тарбиявий таъсир ўтказиш орқали, шубҳасиз, самарали натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун руҳият ва педагогика фанларига асосланган ҳолда иш юритиш кўзлаган мақсад сари етаклайди.

Тарбия ишининг заргарнинг меҳнатидек нозик иш эканлигини унутмаган ҳолда, болани энг кичик ёш давридан бошлаб хулқ-одоб, юриш-туриш малакаларига ўргатиб бориш, бунинг учун, аввало, машқ қилдириш, суҳбат, тушунтириш, ишонтириш, ибрат-намуна каби илмий-амалий методлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Инсон машқ қилиш, айрим

одатларни эгаллаш орқали ҳар қандай мўъжизалар ярата оладиган даражадаги кудратли кучга эга. Дорбозу полвонларнинг маҳорати-ю, космонавт-учувчиларнинг жасорати тинимсиз машқ натижаси эканлигини тўғри тушунтира олмасак, келажакда «Сабъаи сайёр»даги Баҳромдек ўз маҳоратларига қандайдир рағбатлантиришни талаб қилишларининг гувоҳи бўламиз.

Вақт-вақти билан ахлоқий мавзуларда суҳбат ўтказиб, боланинг онгига таъсир этиш ҳам аҳамиятлидир. Бундай суҳбатни бадий асар қаҳрамонлари, Ватанимизнинг ажойиб кишилари ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, табиат олами ҳақида қизиқарли қилиб ўтказиш мумкин. Бунда ўғил ва қизларнинг ёш хусусиятлари, билим савиялари, ақлий имкониятлари, қизиқишлари, қобилиятлари эътиборга олинган ҳолда тарбиявий тадбирни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу хусусда болаларнинг дин аҳллари билан мулоқотда бўлиши ҳам мақсадимизни ойдинлаштиради. Ислом ҳадисларида «Дин — насиҳатдир» дейилган. Дарҳақиқат, ёмон гапга пичоқ қинидан, яхши гапга илон инидан чиқади.

Шахснинг ривожланиб, таркиб топишида асосан учта омил ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир: **биологик омил, ижтимоий шарт-шароит (муҳит) ва тарбия**. Бинобарин, кишининг маънавий қиёфаси, унинг феъл-атвори, воқеликка муносабати, илғор дунёқараши худди ана шу учта омил туфайли қарор топади. Зотан инсоннинг ҳақиқий комил инсон даражасига ўсиб етишишида мазкур учта омилнинг роли бирдек аҳамият касб этади. Муайян сабабларга кўра, бу омиллардан бирортаси маром даражасида бўлмай, шахс фаолиятида турли миқёсда амал қилинмаслиги салбий кўринишларни келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганда, шахс маънавий қиёфасида чекиниш юз беради — унинг тарбияси бузила бошлайди.

Бинобарин, «болани бошидан, ниҳолни ёшидан асра» деган ҳикматга амал қилган ҳолда, ёш буғинни энг кичик ёш давридан бошлаб ғоятда эътибор билан тарбиялаб борилса, зарур хулқ-атвор кўникмаларини шакллантирилса, фарзандларнинг келажаги ҳақида қайғуриб, ватан олдидаги

масъулиятимизни доимо ҳис этган ҳолда ота-оналик бурчимизни шараф билан адо этган бўламиз. Ана ўшанда болаларимиз муҳим характер хислатларини эгаллаб, улар оиланинггина фарзанди бўлиб қолмасдан, ватанга ва халқига муносиб фарзанд бўлиб вояга етадилар.

Бола ёшлигида ҳамма нарсага ҳавас қилувчи, ўзидан катталарга тақлид қилувчи бўлади. Баъзан катталарнинг ёмон қилиқларини ўзлаштиришга улгурган бўладилар. Бола характерига хос бундай хусусиятлар тарбияда кснг илдиз отган, уни кўпроқ оиладаги тўғри тарбия ва ўринли, асосли танбеҳлар, ибратомуз уғитлар замирида улғайтирсак, бу иллатни аста-секин йўқотиш мумкин. Аммо биз катталар баъзида эркаланиб ёлғон гапириб келган болаларга бефарқ қараймиз: бундай қусурларга «шунчаки камчилик» ёки «ҳали бола-ку» деган тушунча билан ёндашмаслигимиз керак. Акс ҳолда ана шу юқоридаги «шунчаки камчилик»лар қимматга тушади.

Ҳар бир миллатнинг тарихий анъана ва урф-одатлари, удумлари, хуллас ҳаёт тарзини кўз-кўзловчи маданиятига ғамхўрлик қилиш, шу асосда уларни янги-янги мазмун билан бойитиш миллатнинг тафаккур, фикрлаш қобилиятини қайрайди, бойитади. Шогирднинг устоздан ўрганадигани ҳам шу масалалар бўлган, шунинг учун ҳам халқимиз «таълим берган устозингдан айрилма», дейди.

«Наврўз» — ўзбек халқининг жуда катта миллий байрамидир. Унинг мазмунида халқимизнинг яшаш тарзидаги баҳорни илиқ қарши олиш, ерга биринчи уруғ қадаш, сумалак, нон улашиш, кураш, хашар, улоқ, арқон тортиш, дор ўйин, айтишув, топишмоқ саҳнаси, қулоқ-чўзма, ўтганларни эслаш каби юзлаб анъана, урф-одат ва удумлари бор. Табиийки, ушбу маросимларни бажариш, ижро этишда тил билан тафаккур иштирок этади. Бошқача қилиб айтганда, бу жараёнда миллатнинг идроки, тафаккури натижалари сўз, жумла ва гапларда воқеа бўлади.

Олимлар фикрича, оилада болалар китобхонлигини моҳирона ташкил этиш ахлоқий гўзаллик тарбиясида катта роль йўнайди. Шунга кўра, болалар китобхонлигини ташкил этишда оила ва мактаб ҳамкорлигини ўрнатиш,

бунда мактабнинг етакчилиқ ролини ошириш мақсадга мувофиқдир. Кейинги пайтда Яссавийнинг «Ҳикмат»лари, ҳадис намуналари каби қатор китоблар кўп нусхада нашр этилди.

Оилада болаларнинг китобхонлигини уюштиришни қўйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Ҳар қайси ёшдаги болалар учун бадиий асарларни тўғри танлаш.
2. Маълум тартиб асосида бадиий китобларни ўқиш учун вақт ҳамда шароитни тўғри белгилаш.
3. Бадиий асарларнинг тарбиявий томондан таъсир этадиганларини танлаш ва керакли адабиётларни тўплаб, оила кутубхонасини ташкил этилиши; катталар ва болалар китоблари алоҳида жавонларда тартибли сақлашни керак.
4. Болалар китобхонлигини богча ва мактаб билан ҳамкорликда уюштириш. Бунда методистлар ва синф раҳбарлари, мутахассислар билан доимий алоқа ўрнатиш.
5. Оилада болалар китобхонлигини уюштиришда турли усулларни топиш.

Тажриба ва кузатишлар оилада болалар китобхонлигини уюштиришда суҳбат, ифодали ўқиш, ҳикоя, баҳс-мунозара метод ва усулларида фойдаланиш яхши самара беришини кўрсатади.

ХУЛОСА

Оилавий ҳаёт, меҳнат, катталар ва кичиклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ахлоқий-маънавий қиёфалари, ота-оналарнинг сиёсий ва маънавий савиялари, уларнинг иқтисодий таъминланганлиги, турли кўринишдаги фаолиятлари, вақтни тўғри режалаштириш, яшаш шароитлари ва бошқалар оилавий тарбия самарадорлигини таъминловчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Биз мавзу юзасидан қуйидаги илмий-назарий, таҳлилий натижаларни қўлга киритдик:

ёш оилалар барқарорлигини таъминлашда ота-она ибрати катта аҳамиятга эга;

оилада ахлоқий тарбия билан таълим муассасалари тарбияси муштараклигини таъминлаш керак;

ахлоқий ва психологик тушунчаларни халқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланиб сингдириш лозим;

болалар психологиясининг оилавий ҳаёт камолотидаги ўзига хос томонларини мавжуд;

оилавий ҳаётда урф – одат, анъана, миллий онг ва миллий тил каби ижтимоий тушунчалар ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ, одоб ва оилавий ҳаёт хусусидаги дидактик қарашларидан фойдаланиш яхши самара беради;

оилавий тарбиянинг ўзига хос қоидаларидан хабардор бўлиш ва камчиликларини психологик – педагогик билимларга таяниб бартараф этиш даркор;

оилада шахслараро муносабатларнинг кўринишини ва роллар тақсимооти бола фаолиятини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга;

оилада маънавий, ахлоқий ва маданий малакаларни шакллантириш боланинг ҳар томонлама маънан пок, иймонли, ватани ва халқига содиқ фарзанд бўлиб етишишида етакчи рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Шарқ. 1999.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. Т., 1997.
3. Акрамова Ф.А., Абдуллаева Р.М. Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги карашлари. Т.: «Шамс АСА», 2005.
4. Акрамова Ф.А. Оилада муомалани ташкил этиш психологияси. Т.: «Шамс АСА», 2002.
5. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. Ўзбек оиласининг этнопсихологик хусусиятлари Илмий ишлар тўплами. –Тошкент, 1993.
6. Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А. эр-хотин орасидаги низоларнинг этнопсихологик хусусиятлари. Илмий ишлар тўплами.. –Тошкент, 1993
7. Оила психологияси. Акад. Лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув-қўлланма. /Шоумаров Ғ.Б., Соғинов Н.А., ва бошқалар. – Тошкент, “Шарқ” 2008.
8. Макаренко А. С. Книга для родителей. М. 1986.
9. Кайковус. Қобуснома. Т, «Ўқитувчи», 1986.
10. Маҳмуд Қошғарий. Девону - луғотит турк. Т., 1960. (Уч томлик).
11. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. Т., 1983.
12. Мунавваров А. Педагогика. Т., 1996.
13. Реан А., Бордовская Н., Розум С. Психология и педагогика. “ПИТЕР” 2005
14. Реан А., Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. – СПб., 1999.
15. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Т., «Фан», 1972.
16. Лишин О.В. Педагогическая психология воспитания. – М., 1997.